

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

**2023 ЙИЛ — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ**

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: info@xs.uz • 2023 йил 17 январь, № 10 (8353) Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


## ЭНЕРГИЯ ТАЪМИНОТИДАГИ МУАММОЛАР ТАНҚИДИЙ ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 16 январь куни аҳолини энергия ресурслари билан узлуксиз таъминлаш чора-тадбирлари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.**

Сўнгги кунларда юртимизга совуқ ҳаво оқими кириб келди. Энергия ва иссиқлик таъминотида узилишлар кузатилди. Давлатимиз раҳбари бу масалага чуқур тўхталиб, тезкор чоралар кўрилишини таъкидлади.

— Мен совуқдан қийналаётган ҳар бир оила, ҳар бир инсоннинг ҳолатини чуқур ташвиш ва изтироб билан юрагимдан ўтказяпман, — деди Шавкат Мирзиёев. — Буни ҳар бир раҳбар ҳис қилиши керак. Бу йилги совуқ бутун тизимнинг аҳволини, қишга тайёргарлик енгил-елпи бўлганини кўрсатди. Энди бундай давом этиши мумкин эмас. Юзага келган вазиятни ўнглаш учун тезкор чоралар кўрамиз.

Йиғилишда табиий газ ва электр таъминоти, коммунал соҳадаги муаммолар танқидий таҳлил қилинди.

Масалан, Тошкент шаҳрида ўнлаб маҳаллаларда электр ва газ таъминотида узилишлар бўлган. Айрим трансформатор ва паст кучланишли тармоқлар ортиқча юкламага бардош беролмай ишдан чиққан.

Бунинг сабаби қурилишга рухсат берилганда, мавжуд инфратузилмага юклама бўйича аниқ ҳисоб-китоб қилинмаган. Пойтахтнинг Бош режаси ҳалигача тасдиқланмаган. Рухсатсиз қурилган объектлар сони 250 дан ошиб кетган.

Шу боис вазиятга олдиндан баҳо бериб, қиш мавсумига лозим даражада тайёргарлик кўрмагани учун Тошкент шаҳар ҳокими Ж. Ортиқхўжаев лавозимидан озод этилди.

Тошкент вилояти ҳокими З. Мирзаев қатъий огоҳлантирилди, шунингдек, республикадаги бир қатор туман ва шаҳар ҳокимларига ҳайфсан берилди.

Толимаржон иссиқлик электр станциясининг энергия блокини таъмирлаш ва электр энергияси ишлаб чиқаришни таъминламагани учун энергетика вазири ўринбосари Ш. Ходжаев ва “Иссиқлик электр станциялари” акциядорлик жамияти раҳбари Ф. Абдураҳмонов вазифасидан озод қилинди. Шунингдек, “Ўзтрансгаз”, “Ўзбекнефтгаз” ва “Ҳудудий электр тармоқлари” акциядорлик жамиятлари раҳбарларига интизомий жазо ва синов муддати белгиланди.

Электр ва газ тармоқларида талон-торожлик кўплиги кўрсатиб ўтилди. Охирги ойларнинг ўзида нефть-газ ва энергия назорати тизимларида 192 та коррупция ҳолати аниқланган. Давлат хавфсизлик хизмати ва Бош прокуратурага бу соҳалардаги коррупцияни йўқ қилиш, автомобилга газ қуйиш шохобчаларидаги ўғриликларга чек қўйиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Йиғилишда электр ва газ тармоқларининг узлуксиз ишлашини таъминлаш бўйича тезкор чора-тадбирлар белгиланди.

Бош вазир ва энергетика вазирига барча имкониятларни ишга солиб, мавжуд ресурсларни адолатли тақсимлаб, муаммоли маҳаллаларга зудлик билан энергия етказиб бериш вазифаси қўйилди. Хориждан малакали мутахассисларни жалб қилиб, бошқарув ва ишлаб чиқариш жараёнларини рақамлаштириш зарурлиги таъкидланди.

Иқтисодиёт ва молия вазирига энергетика соҳаси корхоналарида ҳисоб-китобларни тартибга солиш ва молиявий масалаларни ҳал қилиш бўйича топшириқ берилди.

Энергия таъминотидаги узилишларнинг сабаблари ва кўрилаётган чораларни халқимизга ўз вақтида тушунтириб бориш керак. “Саховат ва кўмак” жамғармасидан ёлғиз қариялар, кўп фарзандли эҳтиёжманд оилаларга ёрдам берилади, оғир ҳолларда улар иситилган жойларга кўчирилади.

Деҳқон бозорларида шароитларни яхшилаб, маҳсулотлар безарар сақланиши ва нарх-наво барқарорлигини таъминлаш ҳам муҳимлиги таъкидланди.

Энергетика корхоналари раҳбарлари ва ҳокимларга келгусида бундай вазиятга йўл қўймаслик учун ҳозирдан аниқ чораларни белгилаш бўйича кўрсатмалар берилди.

Йиғилишда энергетика вазири ва ҳокимлар жойларда кучайтирилган тартибда олиб борилаётган ишлар юзасидан ахборот берди.

**ЎзА.**

Биз ва жаҳон

Ўзбекистон — Сингапур:

## БАРДАВОМ ТАРАҚҚИЁТ ВА ФАРОВОНЛИК ЙЎЛИДАГИ ИСТИҚБОЛЛИ ҲАМКОРЛИК

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Сингапурда давлат ташрифи билан бўлади.*

*Икки мамлакатни 5,6 минг километрдан ортиқ масофа ажратиб туради. Лекин бу географик ҳолат Ўзбекистон ва дунёнинг йирик молия марказларидан бири, ўзининг самарали ислоҳотлари ҳамда инновация имкониятлари билан машҳур бўлган Сингапур ўртасида сўнгги йилларда сиёсий, савдо-иқтисодий, сармоявий, маданий-гуманитар, туризм ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликнинг жадал ривожланишига тўсқинлик қила олгани йўқ.*



Сингапур Ўзбекистон мустақиллигини 1992 йил 27 декабрь куни тан олган. Мамлакатларимиз ўртасида дипломатия муносабатлари 1997 йил апрель ойида ўрнатилди. Ўтган йили ушбу сананинг 25 йиллиги нишонланди.

Икки томонлама муносабатларнинг шартномавий-ҳуқуқий асосини 14 та ҳужжат — 6 та давлатлараро ва ҳукуматлараро шартнома, 6 та идоралараро ва бошқа ҳужжатлар ташкил этади.

Ўтган йиллар давомида ҳар икки давлат ўзаро ишонч ва ҳурматга асосланган манфаатли ҳамкорликни изчил ривожлантириш йўлида саъй-ҳаракатлар қилиб келмоқда. Олий даражадаги алоқалар мунтазам ахборот алмашиш воситасида давом этмоқда, парламентлараро ва идоралараро муносабатлар барқарор ривожланмоқда. Халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорлик муваффақиятли амалга ошириляпти. Хусусан, Сингапур БМТ Бош Ассамблеяси доирасида Ўзбекистон ташаббуси билан қабул қилинган “Марказий Осиё минтақасида тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш бўйича минтақавий ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш тўғрисида” (2018), “Маърифат ва диний бағрикенглик тўғрисида” (2018), “Марказий Осиёда барқарор туризм ва барқарор ривожланиш тўғрисида” (2019), “Оролбўйи ҳудудини экологик инновация ва технологиялар зонаси деб эълон қилиш тўғрисида” (2021), “Барқарор ривожланиш мақсадларига (БРМ) эришишни жадаллаштиришда парламентларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги резолюцияларни қўллаб-қувватлади. Ўз навбатида, Ўзбекистон ҳам Сингапурнинг турли халқаро тузилмалар доирасидаги ташаббуслари ва номзодини фаол қувватлаб келмоқда.

→ 2

Эксклюзив интервью

Элчи Зулкифли бин БАҲАРУДИН:

## ТУРЛИ СОҲАЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ЭРИШГАН ТАЖРИБА ВА МУВАФФАҚИЯТЛАРИМИЗНИ ЮРТИНГИЗ БИЛАН БАҲАМ КЎРИШГА ТАЙЁРМИЗ

*Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Сингапурга давлат ташрифи муносабати билан Сингапурдаги “Sun Media Pte. Ltd” נоширлик уйи ҳамкорлигида Сингапурнинг мамлакатимиздаги элчиси (қароргоҳи Сингапурда) Зулкифли бин Баҳарудин билан суҳбат уюштирилди.*

***— Сиз қатор йиллар давомида Сингапурнинг Ўзбекистондаги элчиси сифатида ишлаб келяпсиз. Дипломатик фаолиятингиз давомида Ўзбекистон ҳаётида рўй берган қандай ўзгаришларга гувоҳ бўлдингиз?***

— Ўзбекистонни ёш, изчил ривожланиб келаётган давлат сифатида биламиз. Ўзбекистон буюк маданият, ўз олдига қўйган мақсадлари йўлида қатъий ва собитқадам халққа эга бўлган мамлакат. Республикада урф-одатлар, дин-эътиқод ҳамда маънавий қадриятларга юксак ҳурмат билан муносабатда бўлишади ва менимча, бу фазилатларни биз сингапурликлар яхши тушунамиз ва қабул қиламиз. Ўзбекистондан кўп нарсаларни ўрганишимиз мумкин, шунингдек, ўзаро баҳам кўришимиз мумкин бўлган уйғунликлар ҳам мавжуд.

Ўзбекистон, айниқса, сўнгги йиллар давомидаги кенг кўламли ислоҳотлар натижасида янада жадал ривожланиш йўлига тушди.

***— Сингапур Ўзбекистон тараққиётига қандай ҳисса қўшиши мумкин, деб ўйлайсиз?***

— Ўзаро ҳамкорлик ҳақида гапирганда, бир жиҳатни эътиборсиз қолдира олмаймиз: ушбу алоқалар кучли сиёсий иродага эга бўлган муносабатларга асосланган. Сиёсий хайрихоҳлик иқтисодий имкониятларга ва иқтисодий имкониятлар эса оддий одамлар ўртасидаги англашув муносабатларига айланмоғи лозим. Ишончим комилки, ҳар икки мамлакат компаниялари вакилларида ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш бўйича интилиш катта. Турли соҳаларни ривожлантириш бўйича эришган тажриба ва муваффақиятларини юртингиз билан баҳам кўришга тайёрдир. Умуман олганда, Сингапур Ўзбекистон учун жуда муҳим хаб, деб ҳисоблайман.

→ 2

Элчи Қаҳрамон ШОКИРОВ:

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ДАВЛАТ ТАШРИФИ КАТТА ҚИЗИҚИШ БИЛАН КУТИЛМОҚДА

*“Дунё” АА мухбири Ўзбекистоннинг Сингапурдаги элчиси Қаҳрамон Шокиров билан бугунги кунда Ўзбекистон ва Сингапур ўртасидаги икки томонлама муносабатлар ривожи, ҳамкорликни чуқурлаштириш ва унинг кўламларини кенгайтиришнинг истиқболли йўналишлари ҳақида суҳбатлашди.*

— Аввало, Сингапурда Ўзбекистон Президентининг давлат ташрифига пухта ҳозирлик кўрилганини таъкидлашни истар эдим. Хусусан, ташриф арафасида қатор етакчи босма ва электрон оммавий ахборот воситаларида мамлакатимиз тарихи, унинг нафақат Марказий Осиё минтақаси, балки бутун Евроосиё маконининг ўтмиши ва бугунги кунидаги ўрни, сўнгги йилларда эришилган муваффақиятлар, Ўзбекистон раҳбари ташаббуси билан амалга оширилаётган чуқур ўзгаришлар ҳақида ҳикоя қилувчи қатор таҳлилий мақолалар эълон қилинди. Буларнинг барчаси мамлакатда олий даражадаги Ўзбекистон — Сингапур саммитига ҳамда Ўзбекистон билан ҳамкорлик кўламини янада кенгайтиришга юқори даражада қизиқишнинг мавжудлигидан далолат беради.

Эслатиб ўтамиз, Сингапур Ўзбекистон мустақиллигини 1992 йил 27 декабрь куни тан олган. Мамлакатларимиз ўртасида дипломатия муносабатлари 1997 йил 8 апрелда ўрнатилган бўлиб, 2022 йилда бу муҳим воқеага 25 йил тўлди. 2007 йилдан буён Сингапурда Ўзбекистон элчихонаси фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон билан Сингапур ўртасидаги икки томонлама муносабатлар ўзаро англашув ва ишонч асосида жадал равнақ топмоқда. Сингапур Ўзбекистоннинг демократик давлат барпо этиш, иқтисодиётни либераллаштириш борасидаги изчил йўналишига анъанавий равишда бирдамлик кўрсатишда давом этмоқда, етакчи халқаро тузилмаларда мамлакатимиз ташаббусларини қўллаб-қувватламоқда.

Икки мамлакат расмий делегацияларининг доимий алмашинуви йўлга қўйилган, парламент аъзолари ўртасидаги маслаҳатлашувлар қўллаб-қувватланмоқда, таҳлил марказлари ва институтлар иштирокида давра суҳбатлари ва семинарлар мунтазам равишда ўтказилмоқда.

→ 2

## АТРОФ-МУҲИТНИ МУСАФФО САҚЛАШ БАРЧА УЧУН АМАЛИЙ ҲАРАКАТГА АЙЛАНИШИ КЕРАК

*Кеча Қорақалпоқ давлат университетида Олий Мажлис Сенатининг Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари ва экология қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва мазкур олий таълим муассасаси раҳбарияти ҳамкорлигида семинар ташкил этилди.*

*Унда Президентнинг Олий Мажлис ва халқимизга Мурожаатномаси мазмун-моҳияти ва аҳамияти батафсил тушунтириб ўтилди.*

**Семинар**

Таъкидланганидек, Президентнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига йўллаган Мурожаатномасида эришилган ютуқларимиз баробарида, 6 устувор йўналиш бўйича келгусида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар аниқ белгилаб берилди. Хусусан, ихчам ва самарали давлат бошқаруви тизими билан боғлиқ вазифалар илгари сурилдики, бунинг туб моҳиятида “Инсон қадри учун” ва “Халқни рози қилиш” тамойиллари мужассам. Бу дегани, мамлакатимизда “қўл бошқаруви” ўрнига аниқ натижага ишлайдиган тизимли бошқарув жорий этилади.

Эътиборлиси, бу борада дастлабки дадил қадам қўйилди. Яъни ўтган йилнинг 21 декабрида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Янги Ўзбекистон маъмурий ислоҳотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди ва ўтган қисқа вақт мобайнида бошқарув тизимида муайян ўзаришлар амалга оширилди.

Мазкур Фармон билан натижага йўналтирилган ихчам ва профессионал давлат бошқаруви тизимини яратиш ҳамда республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини янгиланган талаблар ва тамойиллар асосида ташкил қилиш бўйича қатор тартиблар белгиланган бўлиб, ушбу йўналишдаги ишлар изчиллик билан давом эттирилмоқда.

Тадбирда жорий йилнинг “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили” деб номланишидан келиб чиққан ҳолда инсон салоҳиятини рўёбга чиқариш учун тенг имкониятлар ва одамлар муносиб ҳаёт кечириши учун зарур шарт-шароитлар яратиш, камбағалликни қисқартириш йўналишларидаги долзарб вазифалар хусусида ҳам фикрлар билдирилди.

Ўз навбатида, Сенатнинг Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари ва экология қўмитаси раиси ўринбосари Ботир Матмуратов сўзга чиқиб, инсон ва унинг манфаатларини таъминлаш устувор вазифалардан эканлигига урғу берди.

Бундан ташқари, семинар иштирокчилари томонидан Мурожаатномада экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, энергия тежамкорлиги, тупроқ унумдорлиги масалаларига алоҳида эътибор қаратилгани айтиб ўтилди. Айни чоғда табиатни асраб-авайлаш, сув, ҳаво ва атроф-муҳитни мусаффо сақлаш барча учун амалий ҳаракатга айланиши кераклиги қайд этилди.

**«Халқ сўзи».**

Фракцияларда

## ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИГА ПАРТИЯВИЙ ЁНДАШУВЛАР, ҲАЁТИЙ ФИКР ВА ТАКЛИФЛАР

*Сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияларининг кеча бўлиб ўтган йиғилишлари ҳар қачонгидан қизғин, баҳс-мунозара ва тортишувларга бой бўлди. Уларда жамият тараққиётига оид қонун лойиҳалари обдан кўриб чиқилди.*

**Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси** йиғилишида дастлаб депутатлар “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига банклар устав капиталининг энг кам миқдорини босқичма-босқич оширишга қаратилган ўзгартишлар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳасини муҳокама қилди.

Мазкур ҳужжат билан “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонуннинг 13-моддасига банк устав капиталининг энг кам миқдорини босқичма-босқич беш юз миллиард сўмгача ошириш юзасидан тегишли қўшимчалар киритиш таклиф этилмоқда.



Киритилаётган ўзгартишлар аҳолининг ва тадбиркорлик субъектларининг банкларга омонат (депозит) жойлаштиришини рағбатлантиради, тижорий ва бошқа кредитларга бўлган эҳтиёжини қондириш, шунингдек, банк хизматлари ҳажмининг ошишига ёрдам беради.

Йиғилишда фракция аъзолари қонун лойиҳасининг қабул қилиниши иқтисодиётни таркибий ўзгартириш жараёнларида уларнинг иштирокини кенгайтиришга, шунингдек, банкларнинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш орқали банк секторига стратегик хорижий инвесторларни жалб этишга хизмат қилишини эътиборга олиб, уни маъқулладилар.

Шундан сўнг “Молиявий истеъмол кредити бериш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан “Истеъмол кредити тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 15-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси муҳокама марказида бўлди. Фракция аъзолари қонун лойиҳасининг бугунги кундаги зарурати ва аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда уни янада такомиллаштириш, маромига етказиш бўйича қатор таклифларни билдирди. Қизғин муҳокамалар, савол-жавоблардан сўнг, ушбу ҳужжат депутатлар томонидан қўллаб-қувватланди.

**Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси** аъзолари “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига бола ҳуқуқлари ҳимоясини янада кучайтиришга қаратилган қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасини кўриб чиқишди.

→ 3









## Ўзбекистон — Сингапур:

# БАРДАВОМ ТАРАҚҚИЁТ ВА ФАРОВОНЛИК ЙЎЛИДАГИ ИСТИҚБОЛЛИ ҲАМКОРЛИК

1

Бугун Ўзбекистон инновацион ривожланиш йўлидан одимлаётир. Мамлакатимизда инновацияларни жорий этиш, рақамли ҳамда "яшил иқтисодиёт"ни, ижтимоий соҳа ва туризм саноатини ривожлантиришга қаратилган ислоҳотлар ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда. Шу муносабат билан жаҳон рейтингида етакчи ўринни эгаллаган, жумладан, иқтисодий эркинлик ва саёҳат хавфсизлиги, бизнесни яратиш ва юритиш қулайлиги, биотехнологияни ривожлантириш бўйича ўнта етакчи давлатдан бири бўлган Сингапур билан ҳамкорлик истиқболлари сезиларли даражада кенгаймоқда. Бу йўналиш икки давлат учун ҳам янги имкониятлар очаётгани билан аҳамиятли ҳисобланади.

Ўзбекистон ва Сингапур ўзаро муносабатларни ривожлантириш ва кенгайтиришдан манфаатдор — икки томонлама савдо-иқтисодий алоқалар динамикаси шундан далолат беради. Жумладан, 2020-2021 йилларда икки давлат ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми қарийб 30 фоизга ўсди. 2022 йилнинг январь — ноябрь ойларида бу кўрсаткич қарийб 120 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Таъкидлаш жоизки, ўзаро савдода энг қулай шароит режими амал қилмоқда.

Ўзбекистонда сингапурлик инвесторлар иштирокида 90 та корхона очилган. Шундан 80 таси қўшма ва 10 таси якка тартибдаги корхоналардир. Уларнинг фаолияти электротехника, тўқимачилик ва озиқ-овқат саноати, таълим, савдо, машинасозлик ва бошқа йўналишларни қамраб олган.

Таъкидлаш жоизки, кейинги йиллар мобайнида Ўзбекистонда Сингапур бизнесининг сармоявий фаоллиги кузатилмоқда. Хусусан, 2016 — 2022 йилларда ушбу мамлакатдан жалб этилган жами сармоя ҳажми қарийб 400 миллион АҚШ долларини ташкил қилди. Ўтган йили Сингапурнинг 38 миллион долларлик сармояси ўзлаштирилди ва бугунги кунда сингапурлик ҳамкорлар билан биргаликда умумий қиймати 1,73 миллиард долларлик 24 та инвестиция лойиҳасининг рўйхати шакллантирилди.

Сингапурнинг "Indorama Industry PTE ltd, Singapore" компаниясининг шуъба корхонаси бўлган "Indorama Kokand Textile" акциядорлик жамияти фаолияти Ўзбекистон — Сингапур сармоявий ҳамкорлигининг муваффақиятли намунаси ҳисобланади. Корхона Ўзбекистонда 2011 йил июль ойида "Indorama"нинг Марказий Осиёдаги стратегияси доирасида фойдаланишга топширилган. "Indorama Kokand Textile" акциядорлик жамияти пахта хомашёсини рақобатбардош нархларда ички манбалардан харид қилади ва жаҳон бозорларига етказиб бериш нархини оширади. У Марказий Осиёдаги 100 фоиз момиқ ип ишлаб чиқарадиган биринчи ихчам йигириш корхонасидир.

Ҳозирги кунда "Indorama Corporation Pte. Ltd." гуруҳи билан биргаликда Қўқон суперфосфат заводини (30 миллион доллар) ва Қизилқум фосфорит мажмуасини (75 миллион доллар) модернизация қилиш лойиҳаларини амалга ошириш масалалари ишлаб чиқилмоқда.

Ўзбекистон ва Сингапур ўртасидаги маданий-гуманитар алоқалар ҳам тегишли келишувлар асосида ривожланиб, ўзининг фаол ўсувчанлиги билан ажралиб туради. Маданий-гуманитар соҳада делегациялар алмашуви, турли халқаро маданий тадбирларда қатнашиш мунтазам тарзда амалга оширилмоқда. Хусусан, Самарқанд шаҳрида ўтказиладиган "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивалида Сингапур ижодий жамоалари доимо иштирок этиб келади.

> Кейинги йиллар мобайнида Ўзбекистонда Сингапур бизнесининг сармоявий фаоллиги кузатилмоқда. Хусусан, 2016 — 2022 йилларда ушбу мамлакатдан жалб этилган жами сармоя ҳажми қарийб 400 миллион АҚШ долларини ташкил қилди. Ўтган йили Сингапурнинг 38 миллион долларлик сармояси ўзлаштирилди ва бугунги кунда сингапурлик ҳамкорлар билан биргаликда умумий қиймати 1,73 миллиард долларлик 24 та инвестиция лойиҳасининг рўйхати шакллантирилди.

Ўзбекистон — Сингапур ҳамкорлигининг истиқболли йўналишларидан бири таълим соҳаси ҳисобланади. 2008 йилда Тошкентда Сингапур менежментни ривожлантириш институти ташкил этилди. Олий билим масканида "Банк иши", "Бизнес менежменти", "Туризм" ва "Бизнесдаги замонавий IT" йўналишлари бўйича малакали кадрлар тайёрланмоқда. 2021 йилнинг октябрида Тошкентда Сингапурнинг иккинчи олий таълим муассасаси — "TMC Institute" очилди. Ўтган йил октябрь ойида эса "TMC Institute" кампуси иш бошлади. Бу ерда таҳсил олаётган талабалар сони 12,5 баробарга ошди, яъни 2021 йилдаги 400 нафардан 2022 йили 5 минг нафарга етди.

Гуманитар соҳадаги ҳамкорликнинг яна бир муҳим ва муваффақиятли намунаси сифатида 2021 йилда Сингапурнинг "SixClouds Pte. Ltd." компанияси томонидан амалга оширилган Қорақалпоғистондаги 300 та мактаб ва мамлакатимиз ҳудудларидаги Президент мактаблари учун инглиз тилини ўрганиш бўйича онлайн дастур тақдим этилганини қайд этиш мумкин.

Соғлиқни сақлаш соҳасида ҳам Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Сингапурнинг "Наньянг" (Nanyang) халқаро политехника институти ўртасида Аҳоли саломатлигини бошқариш дастурини амалга ошириш бўйича яқин алоқалар йўлга қўйилган. Ўтган йил декабрь ойида мамлакатимизнинг бир гуруҳ тиббиёт ходимлари "Temasek Foundation" жамғармаси техник кўмагида малака ошириш курсларини ўтади.

Сингапур ҳамкорлик дастури ва Сингапур давлат хизмати коллежи воситасида Ўзбекистонда раҳбар кадрлар тайёрлаш бўйича ҳам ҳамкорлик муносабатлари ўрнатилган. 2013 йилдан буён Ўзбекистон вазирлик ва идораларининг 230 нафардан ортиқ вакиллари Сингапур ҳамкорлик дастурининг малака ошириш курсларида иштирок этди.

Маълумки, сайёҳлик ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш учун жуда истиқболли соҳа ҳисобланади. Икки давлат катта сайёҳлик салоҳиятига эга ва туризм алмашувини фаоллаштиришдан бирдек манфаатдордир. Ўзбекистонни сингапурлик туристлар учун янги сайёҳлик йўналиши сифатида тарғиб қилиш мақсадида 2018 йилда Сингапур фуқаролари учун 30 кунлик визасиз режим жорий этилди. Бу Сингапурдан сайёҳлар оқимининг кўпайишига ёрдам берди, аммо бу йўналишнинг салоҳиятидан ҳали тўлиқ фойдаланилмаган. Ўз навбатида, Сингапурнинг туризм соҳасидаги бой тажрибаси Ўзбекистон учун ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришнинг яна бир нуқтаси ҳисобланади.

Мухтасар айтганда, Ўзбекистон ва Сингапур ўртасидаги жуғрофий масофа узоқ бўлишига қарамасдан мамлакатларимиз ўртасида турли соҳалардаги ҳамкорликни янада фаоллаштириш ва кенгайтириш учун барча имконият мавжуд. Шу нуқтаи назардан, давлатимиз раҳбарининг Сингапурга ташрифи икки мамлакат халқлари тараққиёти ва фаровонлиги йўлидаги ўзаро манфаатли ҳамда ишончли шериклик муносабатлари равнақи солномасида янги саҳифани очади.

## Пракаш КЕЖРИВАЛ:

# ЮТУҚЛАРИМИЗ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ҚУЛАЙ ИНВЕСТИЦИЯ МУҲИТИНИНГ КЎЗГУСИДИР

*Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Сингапурга давлат ташрифи арафасида "Дунё" АА мухбири мамлакатимиз билан ҳар томонлама шериклик муносабатларини ривожлантиришга доир муҳим дастур ва лойиҳаларни рўёбга чиқаришда фаол иштирок этаётган, икки халқ ўртасидаги бир-бирини англаш ва қўллаб-қувватлаш тамойилларини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшиб келаётган Сингапурнинг "Indorama Corporation Pte. Ltd." компанияси директори, "Дўстлик" ордени соҳиби Пракаш Кежривал билан суҳбатда бўлди.*

### Интилиш

***— Суҳбатимизни Сиз раҳбарлик қилаётган "Indorama" компаниясининг тарихи, мақсад-вазифалари ҳамда унинг Ўзбекистондаги фаолияти ҳақидаги маълумотлар билан бошласак.***



— Бажонидил. "Indorama"нинг Ўзбекистондаги фаолияти 2011 йили "Indorama Kokand Textile" компаниясининг ташкил этилиши билан бошланган эди. Ўзбекистон тўқимачилик тармоғидаги биринчи йирик хорижий инвесторлардан бири сифатида енгил саноат равнақидаги улкан имкониятларни рўёбга чиқариш, мамлакат ялпи ички маҳсулоти ўсишига ўз ҳиссамизни қўшишга ҳаракат қилмоқдамиз. Чунки илғор технология ва ускуналарга эга бўлган "Indorama Kokand Textile" компанияси қисқа вақт ичида сифатли ва юқори экспорт салоҳиятига эга маҳсулотлари билан илғор технологияли ишлаб чиқарувчига айланди. Ҳозирги пайтда "Indorama" компанияси томонидан Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган тўқимачилик маҳсулотларининг 90 фоизи дунёнинг 60 мамлакатига экспорт қилинмоқда. Шу тариқа "Indorama Kokand Textile" "Made in Uzbekistan" глобал платформасига айланди.

Компания минг нафардан ортиқ кишиларни иш билан таъминлаш ва 50 минг тонна пахта толасини йигириш бўйича 4 та ишлаб чиқариш линиясини барпо этиш учун Ўзбекистон иқтисодиётига 200 миллион доллардан ортиқ сармоя киритди.

Бу бардавом ривожланиш учун замин яратган муваффақият бўлди. 2018 йили "Indorama Agro" МЧЖ ташкил қилинди. Корхонада тўлиқ механизациялашган илғор йиғим-терим ва замонавий деҳқончилик услублари ҳамда технологиялари жорий этилди. Янги асбоб-ускуналар ва машиналар учун киритилган инвестициялар барқарор деҳқончиликнинг ривожланишига хизмат қилмоқда. "Indorama" бу йўналишни янада фаоллаштирмоқда. Компания ўз қадриятларига содиқ қолган ҳолда кимёвий моддалар қўллашни кескин камайтириш, тупроқ сифатини сақлаш ва яхшилаш ҳамда сув ресурсларидан самарали фойдаланишга қаратилган барқарор бизнес моделини амалга оширмоқда. Бугунги кунда "Indorama Agro" ўзининг пудратчи фермерлари билан биргаликда Сирдарё ва Қашқадарё вилоятларида 75 минг гектар майдонда пахта, ғалла ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини муваффақиятли етиштирмоқда.

2019 йили Қўқондаги фосфорли ўғитлар заводи "Indorama" бошқарувига ўтказилди. Бу эса 1935 йилда ишга туширилган ишлаб чиқариш майдончасини соғлиқни сақлаш, хавфсизлик ва атроф-муҳитнинг энг юқори стандартларига эга замонавий объектлардан бирига айлантириш имкониятини берди. Маҳаллий фермерларга сифатли ўғитлар етказиб бериш, ҳосилдорликни ошириш орқали озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Умуман, "Indorama" мамлакатдаги фаолияти давомида 500 миллион АҚШ долларидан ортиқ сармоя киритди, 3 мингдан ортиқ иш ўринлари яратди.

Биз Ўзбекистондаги муваффақиятларимизни янада мустаҳкамлашни режалаштириш билан бирга, бизнесдан бошқа соҳалардаги мақсадларга ҳам эътибор қаратмоқдамиз. Эришилган натижалар ижтимоий лойиҳаларни амалга ошириш имконини бермоқда. Маҳаллий ҳамжамиятларни иқтисодий ва маданий ривожланиш лойиҳаларида иштирок этиш, шифохоналар, мактаблар, фахрийлар ва Меҳрибонлик уйларига молиявий ёрдам кўрсатиш, келгуси авлод мутахассисларини тайёрлашга кўмаклашиш мақсадида академик ва илмий-тадқиқот институтлари билан ҳамкорлик қиляпмиз, уларни қўллаб-қувватлаяпмиз.

Қулай ишбилармонлик муҳити ва мамлакатнинг иқтисодий ўсиши учун жозибали сармоявий сиёсат юритаётган Ўзбекистон раҳбариятидан миннатдормиз. "Indorama" келажакка ишонч билан қарайди ва умумий фаровонлик йўлида мамлакатдаги ўз фаолиятини кенгроқ кўламда давом эттиришни истайди.

***— Ўзбекистондаги ишбилармонлик муҳити, сармоявий ҳамкорликни ривожлантириш учун яратилган имкониятларни қандай баҳолайсиз?***

— Такрор бўлса-да таъкидлаш жоиз, гуруҳимиз 2010 йилдан буён фаолият юритиб келмоқда ва шу вақтгача 500 миллион АҚШ долларидан ортиқ сармоя киритган. Ва бу жараён давом этмоқда.

> Ҳозирги пайтда "Indorama" компанияси томонидан Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган тўқимачилик маҳсулотларининг 90 фоизи дунёнинг 60 мамлакатига экспорт қилинмоқда. Шу тариқа "Indorama Kokand Textile" "Made in Uzbekistan" глобал платформасига айланди.

Ўз-ўзидан аёнки, қўлга киритган ютуқларимиз Ўзбекистондаги қулай инвестиция муҳитининг кўзгусидир. Мамлакатда яхши саноат базаси ва инфратузилма мавжуд бўлса-да, 2016 йилдан эътиборан бошланган ва давом этаётган иқтисодий ислоҳотлар бизнес муҳитига сезиларли ва ижобий таъсир кўрсатди.

Бу ўтмишдаги асосий тўсиқларни бартараф этишга олиб келди ва иқтисодиётнинг барча асосий тармоқларига тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилишга имконият яратди.

***— Ўзбекистонда "Indorama" компаниясини янада ривожлантириш борасидаги режаларингиз билан ҳам ўртоқлашсангиз...***

— Биз мамлакатдаги инвестиция жадаллигини давом эттиришни интиқлик билан кутмоқдамиз. Хабарингиз бор, Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотлар доирасида кўплаб давлат корхоналарини хусусийлаштириш эълон қилинди. Уларнинг айримларини фаолиятимиз доирасида кўриб чиқмоқдамиз.

Биз Ўзбекистон буюк иқтисодий ўсиш тарихини яратиш йўлига кирганига қатъий ишонамиз, ва албатта, бунинг бир қисми бўлишни хоҳлаймиз.

**«Дунё» АА.**

## Элчи Зулкифли бин БАҲАРУДИН:

# ТУРЛИ СОҲАЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ЭРИШГАН ТАЖРИБА ВА МУВАФФАҚИЯТЛАРИМИЗНИ ЮРТИНГИЗ БИЛАН БАҲАМ КЎРИШГА ТАЙЁРМИЗ

1

***— Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда Сингапур компаниялари қандай фаолият кўрсатмоқда? Келгусидаги ўзаро ҳамкорлик йўналишларини қандай тасаввур қиласиз?***

— Сингапурнинг таълим, қишлоқ хўжалиги, кимё, нефтни қайта ишлаш ва бошқа соҳалардаги қатор компаниялари сон жиҳатдан кам бўлса-да, улар ўзаро ҳамкорликда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда, деб ўйлайман. Ушбу компанияларнинг муваффақияти бошқа кўплаб компанияларнинг фаолиятига йўл очмоқда.

Келгусида бир қанча устувор йўналишлар бўйича ҳамкорлик кўламларини кенгайтириш муҳим, деб ҳисоблайман. Сингапурда кўп йиллар давомида "электрон ҳукумат" тизими муваффақиятли фаолият юритмоқда ва менимча, дунёдаги барча ҳукуматлар мамлакатни бошқаришда замонавий илғор технологиялардан самарали фойдаланиш йўлларини топишга ҳаракат қилмоқда. Шу боис ҳар икки давлат ҳукуматлари учун бу йўналишда алоқаларни мустаҳкамлашда яхши имкониятлар мавжуд.

Ҳамкорликнинг яна бир йўналиши — халқларимизнинг ўзаро алоқаларини кенгайтириш. Сингапурликлар Самарқанд, Бухоро ва Хива каби шаҳарларга саёҳат қилишни хоҳлайди. Бу шаҳарлар Ўзбекистоннинг тарихи, маданиятини ўрганиш, билиш ва чуқур англаш учун жуда яхши тажриба бўла олади.

Яна бир муҳим соҳа — бизнес йўналиши. Яъни тадбиркорлар учун Ўзбекистон изчил ривожланаётган давлат сифатида иқтисодий ҳамкорликка очиқ мамлакатдир. Тизимли ва кенг кўламли ислоҳотларнинг амалга оширилаётгани мамлакатда фаолият олиб бораётган Сингапур компаниялари учун янада юксалиш имкониятларини тақдим этмоқда.

***— Ўзбекистон компанияларининг Сингапур бозорига кириши билан боғлиқ ҳолат ҳақидаги фикрларингиз билан ўртоқлашсангиз.***

— Ўзбекистон ва Сингапур тадбиркорлари ўртасида ўзаро боғлиқлик мавжудки, бу ўз ўрнида, уларнинг фаолиятини Сингапурда ташкил қилишга ёрдам беради. Шу билан бирга, биз ўртадаги масофани ҳам ҳисобга олишимиз керак. Шундай экан, кўп ҳолларда бу омилни ҳисобга олиб, тадбиркорларнинг ўзлари қарор қабул қилади. Сингапур ҳукумати эса доимо Ўзбекистон ишбилармон доиралари вакилларини рағбатлантириш, кўмак кўрсатиш ва улар билан ҳамкорлик қилишдан мамнун.

***— Сингапур Ўзбекистон Президентининг ташрифидан нималарни кутаётгани ҳақидаги фикрларингизни билишни истардик.***

— Аввало шуни айтишим жоизки, Ўзбекистон ва Сингапур ўртасида узоқ йиллик дўстлик муносабатлари мавжуд. Бугун бутун дунё Ўзбекистоннинг юксак тараққиётга эришаётганига гувоҳ бўлмоқда. Айниқса, бу Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан сўнгги йилларда амалга оширилган ислоҳотлар натижаларида кўзга яққол ташланмоқда. Кутилаётган ташриф айнан шундай бир босқичда ташкил этилмоқда. Бу ташриф сингапурликлар учун Ўзбекистондаги тараққиёт жараёнлари, эришилган натижа ва имкониятлар ҳақида кенгроқ билиш имконияти ҳамдир. Бу нафақат сиёсий ва иқтисодий жараёнда, балки халқларимизнинг ўзаро англашуви ва борди-келдилари учун ҳам фаол йўл очади.

Ҳар икки давлат раҳбарлари ўзаро дўстлик ва ҳамкорлик ривожига жиддий эътибор қаратмоқда. Биз Ўзбекистон Президентининг Сингапурга ташрифи келажакда икки мамлакатнинг янада яқин алоқалари учун янги босқични бошлаб беради, деб ишонамиз.

## Элчи Қаҳрамон ШОКИРОВ:

# ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ДАВЛАТ ТАШРИФИ КАТТА ҚИЗИҚИШ БИЛАН КУТИЛМОҚДА

1

Ишбилармон доиралар, сайёҳлик компаниялари вакиллари Ўзбекистон ва Сингапурда ташкил этилаётган халқаро сармоявий, иқтисодий ва сайёҳлик форумлари ва кўргазмаларда фаол қатнашмоқда.

Аминманки, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Сингапурга давлат ташрифи мамлакатларимиз ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтиришга кучли суръат бағишлайди, савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни янада фаоллаштириш учун мустаҳкам замин яратади.

Сўнгги йиллар мобайнида мамлакатимизда ҳаётга татбиқ этилаётган, ташқи иқтисодий сиёсатни янада либераллаштириш, инвестиция муҳитини яхшилаш, тармоқларни ривожлантириш учун янги имкониятлар очишга қаратилган кенг кўламли ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар кейинги олти йилда савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликнинг сезиларли даражада фаоллашувини белгилаб берди.

Айни пайтда Сингапур компаниялари мактабгача таълим, мактаб ва олий таълим тизимида ислоҳотларни амалга оширишда фаол иштирок этмоқда. Бугун ўзбекистонлик мактаб ўқувчилари Сингапурда ишлаб чиқилган махсус мультимодаль дастурлар бўйича аниқ фанларни ўрганиш имкониятига эга.

2021 йилда Тошкентда Сингапурнинг иккинчи университети — "TMC Institute" очилди. Бу ерда ўзбекистонлик талабалар ахборот технологиялари, логистика, бизнес менежменти, туризм ва меҳмонхона бошқаруви, бухгалтерия ҳисоби каби соҳаларда билим олмоқда.

Шу билан бирга, Сингапур компаниялари тўқимачилик ва кимё саноатида сармоявий лойиҳаларни амалга ошириш, замонавий қишлоқ хўжалиги кластерларини яратиш, шаҳарлар инфратузилмасини ривожлантириш, саноат корхоналари учун йирик темир конструкциялар қуриш, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва савдо муносабатларини йўлга қўйишда иштирок этмоқда.

Муқобил энергия манбалари, транспорт логистикасини ривожлантириш, инновация технологияларидан фойдаланган ҳолда янги метро линияларини лойиҳалаш ва қуриш, мавжуд халқаро аэропортларни бошқариш ва янгиларини барпо этиш, замонавий шаҳарсозлик инфратузилмалари, таълим ва бошқа соҳаларда мастер-режалар яратиш бўйича янги лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда.

Шу билан бирга, жаҳон цивилизациясининг энг қадимий тарихий-маданий ёдгорликлари, Самарқанд, Бухоро ва Хива каби очиқ осмон остидаги музей-шаҳарлар билан яқиндан танишиш учун сайёҳлар оқимини сезиларли даражада ошириш мақсадида Сингапурда Ўзбекистоннинг туризм брендини тарғиб қилиш бўйича фаол ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон инвесторларни жалб қилиш, рақамли ва "яшил иқтисодиёт"ни ривожлантириш бўйича Сингапурнинг ноёб тажрибаси, инновацияларини қўллашдан манфаатдор. Ўз навбатида, савдо-сармоявий ҳамкорликни, маданий-гуманитар ва туризм соҳаларида ўзаро алоқаларни ривожлантириш нуқтаи назаридан Ўзбекистон Сингапур учун ҳам истиқболли йўналиш ҳисобланади. Мамлакатларимиз барча йўналишларда ўзаро муносабатларни кенгайтириш учун фойдаланилмаган улкан салоҳиятга эга. Шу нуқтаи назардан, олий даражадаги мулоқотни янада фаоллаштириш икки мамлакат халқларининг фаровонлигига хизмат қилади.

## ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ШОИРИ ЭНАХОН СИДДИҚОВА



Ўзбек адабиёти ва маданияти оғир жудоликка учради.

Ўзбекистон халқ шоири, Олий Мажлис Сенати аъзоси Энахон Сиддиқова 68 ёшида вафот этди.

Энахон Сиддиқова 1954 йил 28 августда Фарғона вилоятининг Олтиариқ туманида туғилди. 1976 йилда Фарғона давлат педагогика институти (ҳозирги Фарғона давлат университети)нинг филология факультетини тамомлади.

Меҳнат фаолиятини 1976 йилда ўқитувчиликдан бошлаб, Олтиариқ ва Фарғона туманларидаги мактабларда ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, мактаб директори бўлиб ишлади. Қатор йиллар Фарғона тумани ва Фарғона вилояти ҳокимликларида масъул вазифаларда ишлаб, хотин-қизларнинг турмуш ва меҳнат шароитларини яхшилаш, оила, оналик ва болаликни ижтимоий ҳимоя қилиш, баркамол авлод тарбияси йўлида фаоллик кўрсатди.

Айни вақтда истеъдодли шоира, жонкуяр жамоатчи сифатида танилди. Унинг кўп йиллик ижодий изланишлари маҳсули бўлган, эл-юртимизга, азалий қадриятларимизга меҳр ва садоқат туйғуси маҳорат билан тараннум этилган “Қорақўз турналар”, “Кўнглим уфқлари”, “Сўз устидаги дунё”, “Эъзозли аёллар”, “Она ҳақида қўшиқ”, “Бархандларга унган гул” сингари ўнлаб асарлари китобхонлар қалбидан муносиб жой эгаллади.

Энахон Сиддиқова 2001 йилдан ҳозирги вақтга қадар Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Фарғона вилояти бўлими раҳбари сифатида қизғин меҳнат қилди. У вилоятда адабиёт, маданият ва санъатни ривожлантириш, жойларда илм-фан ва китобхонликни кенг тарғиб қилиш орқали халқимиз маънавиятини юксалтириш борасида самарали хизмат қилди. Юзлаб ёшларга устозлик қилиб, уларнинг салоҳиятини рўёбга чиқаришда ташаббускор бўлди.

Айниқса, Фарғона вилоятида Ўзбекистон Қаҳрамони, улуғ ўзбек шоири Эркин Воҳидов номидаги ижод мактабини ташкил этиш ва унинг фаолиятини йўлга қўйишда чинакам жонбозлик кўрсатиб, хизмат қилди.

У 2015 йилдан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзоси сифатида мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, мамлакатимизда парламентаризм тизимини ривожлантириш, ижтимоий ва маънавий тараққиётимиз учун зарур бўлган муҳим қонунларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга катта ҳисса қўшди.

Энахон Сиддиқованинг ўзбек адабиёти ва маданиятини ривожлантириш борасидаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. У “Ўзбекистон халқ шоири” фахрий унвони, “Эл-юрт ҳурмати” ва “Дўстлик” орденлари билан тақдирланган эди.

Таниқли ижодкор, меҳрибон устоз, самимий ва камтарин инсон Энахон Сиддиқованинг хотираси қалбларимизда ҳамиша сақланиб қолади.

**Ш.МИРЗИЁЕВ, Т.НОРБОЕВА, Н.ИСМОИЛОВ, А.АРИПОВ, С.САИДОВ, Х.БОЗОРОВ**

Дил сўзи

## ХИЗМАТИНГДА ТУРМАСАМ СЕНИ, БОЛАМ ДЕМА ВАТАНИМ МЕНИ...

*Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 31 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига кўра, бир гуруҳ ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари давлат мукофотлари билан тақдирланган эди.*

*Қуйида мукофотланганларнинг фикрлари билан танишасиз.*

**Учқун БЕКМУРАТОВ, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм отряд командири, «Содиқ хизматлари учун» медали соҳиби:**

— Сўнгги йилларда миллий армиямизнинг жанговар қудрати сезиларли даражада ошди. Ҳарбий қисм ва муассасаларнинг инфратузилмаси яхшиланди. Ҳарбий шаҳарчаларда шароит ҳамда имкониятлар — барча қулайликка эга ўқув хоналари, замонавий жиҳозлар, қурол-аслаҳалар ҳарбий хизматчиларнинг жаҳон стандарти талаблари асосида шуғулланишига имкон яратади.

Ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари ижтимоий ҳимоясини мустаҳкамлашга қаратилган тадбирлар ҳам мамлакатимиз раҳбарининг шахсан эътиборида. Асосийси, биз, ҳарбийларга кўрсатилаётган ғамхўрлик ҳар биримизнинг ҳаётимизда ўз аксини топмоқда. “Инсон қадрини улуғлаш” тамойили асосида ҳарбий хизматчилар учун муносиб хизмат ва яшаш шароитлари яратилаётир. Минглаб ҳарбийларимиз уйга, бошпанага эга бўлди. Хизмат муддатини ўтаб бўлганидан кейинги иш ва тиббий хизматлар билан таъминланишимиз ҳам кафолатланган. Буларнинг барчаси хизматда муваффақиятли натижаларга эришишда муҳим омил бўлмоқдаки, бунинг учун Президентимизга ўз миннатдорлигимизни билдирамиз.

**Наталия ДОЛБИЛИНА, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Олий спорт натижаларини ривожлантириш маркази катта офицери, «Дўстлик» ордени соҳиби:**

— Ҳарбий соҳага болаликдан қизиқаман. Мен учун ҳарбийлик наинки касб, балки юрак даъвати, умр мазмуни, орият, шону шараф тимсоли. Юртимиз, халқимиз осойишта ҳаётини таъминлаш, шу азиз Ватан тақдирига, унинг келажагига масъулият билан қараш муқаддас бурчимиз, деб ўйлайман.

Шу маънода айтмоқчиманки, бугун Ўзбекистоннинг қудратли, кучли тайёргарликдан ўтган, яхши жиҳозланган ва юксак салоҳиятли миллий армияси бор. У халқимизнинг тинч ҳаёти кафолати бўлиб, ташқи кучлар томонидан бўладиган ҳар қандай таҳдидни мустақил қайтаришга тайёр.

Замонавий қуролли зиддиятларни олиб бориш тажрибаси ва улардан қўлланиладиган тактик усулларни инобатга олиб, Мудофаа вазирлигининг полигонларида замонавий тактик услублар тадқиқоти ўтказилаётгани, қўшинларнинг жанговар тайёрлиги дастурларига янги машқлар жорий этилаётгани, аскарларимизнинг халқаро мусобақалардаги иштироки ўзининг муваффақиятли самараларини бермоқда.

**Олмосбек ҒАЙБУЛЛАЕВ, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ командирининг ўринбосари, «Жасорат» медали соҳиби:**

— Эр йигит борки, ҳамиша ўзини курашларга чоғлаб яшайди. Шиддатли қарама-қаршиликлар, баҳс ва рақобатлар мард ўғлонлар иродасини, куч-қувватини тоблайди.

Шу маънода, юртимиздаги ҳарбий округлар ўртасида мардлик, матонат, ҳарбий салоҳият, жанг санъати йўналишида мусобақалар уюштирилаётгани, ёшлар орасида ҳарбий соҳага қизиқишнинг ортаётгани барчамизда ифтихор ҳиссини жўш урдиради.

Ҳақиқатан ҳам, қалбимизда Ватан туйғуси, эл-юрт қайғуси собит бўлмас экан, ўзимизни ҳеч қачон ватанпарвар дея олмаймиз. Давлатимиз раҳбари томонидан ҳарбийларга кўрсатилаётган эътибор, бизнинг камтарона меҳнатимизни муносиб баҳолаб, давлат мукофотлари билан тақдирлаётгани кўксимизни тоғдек кўтарди. Бизга билдирилаётган ишончдан ўзимизга янги куч-ғайрат олаётирмиз.

Демак, биз ҳам шунга яраша “Она ягона — Ватан ягона, уни фақат ватанпарвар ўғлонлар асрайди” деган ғояни шууримизга мустаҳкам жойлаб яшамоғимиз, фарзандларимизни айни шундай руҳда тарбиялашимиз лозим.

**«Халқ сўзи».**

# АНИҚ ТАШАББУСЛАР ИЛГАРИ СУРИЛДИ

*Кейинги йилларда Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги стратегик шериклик ҳамда амалий ҳамкорлик муносабатлари сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди. Айниқса, охирги олти йилда сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳаларда алоқалар янада мустаҳкамланди.*

### Муносабат



Ҳиндистоннинг “Катта йигирматалик” (G20)га раислиги доирасида 12 январь куни “Ягона овоз, ягона мақсад” мавзуида бўлиб ўтган “Глобал Жануб овози” онлайн саммити икки томонлама алоқаларни бутунлай янги босқичга олиб чиқиши, шубҳасиз.

Зеро, мазкур саммитда Президентимиз Шавкат Мирзиёев дунёдаги бугунги сиёсий вазият, давлатлар рўбарў келаётган муаммоларнинг сабаблари ва салбий оқибатларини юмшатиш чоралари, мамлакатимиз олдига қўйилган мақсад ва эришилаётган натижаларни аниқ, батафсил баён қилиб берди.

Давлатимиз раҳбари Ҳиндистоннинг G20 га раислигини қўллаб-қувватлар экан, кун тартибидаги масалалар юзасидан қатор амалий таклифларни ҳам илгари сурди. Жумладан, бугунги кунда мавжуд халқаро савдо тизимини “Глобал Жануб овози”ни эътиборга олган ҳолда такомиллаштириш таклиф қилинди.

Айтиш мумкинки, Президентимиз томонидан билдирилган фикрлар, ташаббуслар ва глобал муаммолар ечими бўйича аниқ таклиф ва амалий ташаббуслар нафақат ривожланаётган мамлакатлар, балки бутун дунё ҳамжамияти учун ғоят муҳим.

Шу нуқтаи назардан айтганда, ушбу саммит минтақавий ва глобал тараққиёт масалаларида Ҳиндистон — Ўзбекистон ҳамкорлигини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади. Зотан, мазкур саммит “Катта йигирматалик” (G20)га аъзо бўлмаган давлатларнинг қарашлари ва ғоялари билан ўртоқлашиш учун алоҳида имконият яратди.

**Феруза НИҒМАТОВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

# ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИГА ПАРТИЯВИЙ ЁНДАШУВЛАР, ҲАЁТИЙ ФИКР ВА ТАКЛИФЛАР

←1

Ушбу қонун лойиҳасида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексни $47^{6}$-модда, Жиноят кодексини янги $122^{1}$-модда билан тўлдириш таклиф қилинмоқда. Яъни унга кўра, вояга етмаган фарзандини чет элга назоратсиз ташлаб келган ёки ноқонуний, тақиқланган ўқув марказларига берган ота-она фарзандини бир ой ичида қайтариб олиб келиши лозим. Бу муддат яна бир ойга чўзилиши мумкин. Акс ҳолда ота-она дастлаб маъмурий, кейин жиноий жавобгарликка тортилади.

Фракция аъзолари қонун лойиҳаси муҳокамаси жараёнида уни янада такомиллаштириш бўйича партия мақсад-вазифаларидан келиб чиқиб, қатор таклифлар берди.



“Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига бола ҳуқуқлари ҳимоясини янада кучайтиришга қаратилган қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасини **Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси фракцияси** аъзолари моддама-модда таҳлилдан ўтказди.

Мутасаддилар қонун лойиҳаси юзасидан тушунтириш берар экан ушбу ҳужжат ота ёки она ёхуд уларнинг ўрнини босувчи шахс ёки ҳомроҳлик қилувчи шахс томонидан боланинг чет давлат ҳудудида назоратсиз қолдирилгани учун маъмурий ва жиноий жавобгарликни белгилаш орқали болаларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ишончли ҳимоя этилишига хизмат қилишини билдирди.

Муҳокамалар давомида фракция аъзолари қонун лойиҳасини тайёрлаш чоғида хориж тажрибаси ўрганилганлиги билан ҳам қизиқди. Маълум қилинишича, бу борадаги хориж тажрибаси ўрганилган. Хусусан, Германия, Франция, Канада, АҚШ, Буюк Британия ва Жанубий Корея каби давлатларда бу мазкур қилмишлар учун жавобгарлик мавжудлиги аниқланган.

Фракция аъзолари қонун лойиҳасини кўриб чиқиш давомида партия позициясидан келиб чиққан ҳолда кўплаб таклифлар беришди. Ҳужжатдаги айрим нормалар юзасидан асосли саволлар ўртага ташланди.

Қонун ташаббускорлари йиғилишда кўтарилган барча саволларга батафсил жавоб қайтарди. Депутатлар томонидан берилган таклифлар эътиборга олиниб, қонун лойиҳаси маъқулланди.

**Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси** йиғилишида “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига банклар устав капиталининг энг кам миқдорини босқичма-босқич оширишга қаратилган ўзгартишлар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда муҳокама қилинди.



Ушбу ҳужжат билан қонуннинг 17 ва 22-моддаларидаги оффшор давлатда ва (ёки) ҳудудда яшайдиган норезидент бўлган жисмоний шахслар ҳамда шундай давлатда рўйхатга олинган юридик шахслар, акциядорлар (иштирокчилар), охирги бенефициар мулкдорлар банк акцияларининг бевосита ёки билвосита эгалик қилувчилари бўлиши мумкин эмаслиги тўғрисидаги чекловни қайта кўриб чиқиш назарда тутиляпти.

Фракция аъзолари томонидан киритилаётган ўзгартишлар аҳолининг ва тадбиркорлик субъектларининг банкларга омонат (депозит) жойлаштиришини рағбатлантириши эътироф этилди. Лойиҳа юзасидан депутатлар ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдиргач ушбу ҳужжат концептуал жиҳатдан маъқулланди.

Йиғилишда “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига бола ҳуқуқлари ҳимоясини янада кучайтиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқилиб, ҳужжат қўллаб-қувватланди.

**Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси** аъзолари “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига банклар устав капиталининг энг кам миқдорини босқичма-босқич оширишга қаратилган ўзгартишлар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳасини кўриб чиқдилар.

— Мазкур ҳужжатнинг қабул қилиниши аҳолининг ва тадбиркорлик субъектларининг банкларга омонат (депозит) жойлаштиришини рағбатлантириш, банк хизматлари ҳажмининг ошишига ёрдам беради, — дейди Қонунчилик палатаси депутати Мухторжон Ҳожиматов. — Шунингдек, лойиҳа билан таклиф этилаётган ўзгартишлар банкларнинг капиталлашув даражасини янада ошириш ва ресурс базасини кўпайтиришга, иқтисодиётни таркибий ўзгартириш жараёнларида уларнинг иштирокини кенгайтиришга хизмат қилади.

Депутатлар томонидан қонун лойиҳасини янада такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар билдирилиб, қизғин мунозаралардан сўнг ҳужжат қўллаб-қувватланди.

Шунингдек, “Молиявий истеъмол кредити бериш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан “Истеъмол кредити тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 15-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси ҳам кўриб чиқилиб, маъқулланди.



*Йиғилишларда мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётига дахлдор бўлган бошқа қонун лойиҳалари ва фракциялар фаолиятига оид масалалар ҳам кўриб чиқилиб, тегишли қарор қабул қилинди.*

**«Халқ сўзи».**

# ҚАШҚАДАРЁДА МАИШИЙ ЧИҚИНДИЛАРНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ҚАЙ АҲВОЛДА?

*Ер юзи бўйлаб ҳар йили 2 миллиард тоннадан ортиқ қаттиқ маиший чиқинди ҳосил бўлар экан. Жаҳон банки прогнозларига кўра, бу кўрсаткич 2030 йилга бориб 2,58 миллиард тоннага, 2050 йилга бориб эса 3,77 миллиард тоннага етади. Маиший чиқиндиларни камайтиришда уни қайта ишлаш муҳим аҳамият касб этади.*

### Таҳлил

Бу ҳақда 2022 йил февраль ойида Президент Шавкат Мирзиёев раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳам алоҳида таъкидлаб ўтилган. Хусусан, унда дунёда қаттиқ маиший чиқиндилар миқдори аҳоли жон бошига ҳар йили 1 фоизга ортиб бораётгани, мамлакатимизда сўнгги йилларда иқтисодий ўсиш, аҳоли турмуш даражаси яхшиланиши натижасида ўсиш 2 фоизни ташкил этиб, йиллик ҳосил бўлаётган маиший чиқиндилар миқдори 7 миллион тоннага етгани маълум қилинди. Ушбу чиқиндиларни йиғиш, саралаш, олиб чиқиш, қайта ишлаш ва утилизация қилиш аҳволи қониқарли эмас, деди давлатимиз раҳбари.

Йиғилишда таъкидланганидек, маиший чиқиндиларни қайта ишлаш даражаси Андижонда — 45 фоиз, Бухорода — 43 фоиз, Навоий ва Наманганда — 36 фоизни ташкил этиб, яхши натижа кўрсатилмоқда. Аксинча, Қорақалпоғистонда — 10 фоиз, Фарғона ва Қашқадарё вилоятларида 20 фоиз чиқинди қайта ишланаётгани танқид остига олинган эди.

Хўш, Қашқадарё вилоятида давлатимиз раҳбари танқидидан хулоса чиқарган ҳолда қандай ишлар амалга оширилди? Қашқадарё вилояти Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармасининг чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш бўлими бошлиғи Мақсуд Қамбаралиевнинг бу борадаги фикрлари билан қизиқдик.

— Ўтган даврда йўл қўйилган камчиликлар устида ишлаб, вазиятни ўнглашга ҳаракат қилдик, — дейди у. — Президентимиз белгилаб берган топшириқ асосида чиқиндиларни йиғиш, саралаш фаолияти билан шуғулланувчи корхоналарнинг ҳаммаси давлат-хусусий шериклик асосида ишлайдиган масъулияти чекланган жамиятларга айлантирилди. Яъни 14 та ҳудудда 14 та шундай хўжалик субъекти фаолият бошлади. Бунинг самараси ўлароқ чиқиндиларни йиғиш ва саралашда аҳоли яшаш пунктларининг қамрови 70 фоиздан 90 фоизга кўтарилди. Маиший чиқиндилар полигонларида тўлиқ рекультивация ишлари амалга оширилди. Қайта ишлаш ускуналари сони 24 тага кўпайиб, қайта ишлаш даражаси 20 фоиздан 32 фоизга ошди. Асосийси, 2 та полигон атрофида 4 650 туп манзарали дарахтлардан ихотазор яратилди.



Дарҳақиқат, тозалик бор жойда барака бўлади. Давлатимиз раҳбарининг йиғилишда берган қатъий топшириғи асосида вилоятдаги ижтимоий соҳа объектларида, хусусан, 1 204 та мактаб ва болалар боғчасида замонавий, махсус чиқинди контейнерлари ўрнатилди. Хусусий тадбиркорлар ташаббуси билан эса жойларга 370 та худди шундай замонавий контейнерлар қўйилгани ҳам атроф-муҳит озодалигига қўшилган ҳиссадир. 2022 йилда чиқиндиларни ташишга мўлжалланган 16 та махсус автомобиль харид қилишда яратилган қўшимча имтиёзлар ҳам мазкур йиғилишда белгиланган эди.

Маълумотларга кўра, вилоятда бир йилда 668,5 минг тонна чиқинди ҳосил бўлар экан. Шунча миқдордаги чиқиндини мавжуд 13 та полигонга ташиб бориш ҳам катта меҳнат талаб қилади. Агар бу чиқиндилар вақтида сараланса ва қайта ишланса, ҳар томонлама фойдали.

— Ускуналаримиз сони 31 та бўлиб, шундан 24 таси қайта ишлаш ва 7 таси саралаш технологияларидир, — дейди Мақсуд Қамбаралиев. — Лойиҳа бўйича 2022 йилда 253 минг 638 тонна чиқиндини қайта ишлаш белгиланган бўлиб, амалда қайта ишланган чиқинди миқдори 216 минг 89 тоннани ташкил этди. Шундан 606 тоннаси полиэтилен, 12 минг 309 тоннаси қоғоз, 625 тоннаси шина ва резина, 129 тоннаси металл ва 202,4 минг тоннаси бошқа маҳсулотлардир.

Бу йўналишда ҳозирги кунда 12 та тадбиркорлик субъекти фаолият олиб бормоқда. Улардан бири — Қамаши туманидаги “Нажмиддин Чориевич инвест” МЧЖ 2022 йил июнь ойида очилган бўлиб, ўтган вақт мобайнида полиэтилен хомашёсини қайта ишлаб, 50 тоннадан зиёд гранула тайёрлади.

— Биз ишлаб чиқарган маҳсулотга харидор кўп, — дейди мазкур МЧЖ раҳбари Нажмиддин Ғайратов. — Шунинг учун фақат елим идиш (баклашка)ларни йиғиш билан чекланмасдан полиэтилен пакетларни ҳам қайта ишлаяпмиз. Мақсад эса фақат гранула тайёрлаш эмас, келгусида гранулалардан тайёр маҳсулот чиқаришга қаратилган. Ҳозирги кунда 3 нафар доимий, 10 нафар мавсумий ишчи бандлигини таъминлаган бўлсак, келгусида камида 50 нафар иш ўрни очишни мўлжаллаб турибмиз.

Чиқиндиларни қайта ишлаш даражасининг ошишида Қарши шаҳридаги “Иқтисод” хусусий ишлаб чиқариш корхонасининг ҳам ҳиссаси катта бўлмоқда. Корхона цехларида чиқиндилардан қоғоз тайёрлаш яхши йўлга қўйилган.

— Жорий йилда 300 тонна савдо ва ишлаб чиқариш тармоғи учун зарур бўлган картон маҳсулотини ишлаб чиқардик, — дейди корхона раҳбари Алишер Қурбонов. — Биз тадбиркор сифатида нафақат ҳамкор ташкилотларга зарур маҳсулот етказиб беряпмиз, балки атроф-муҳит озодалиги ва тозалигига ҳам ҳисса қўшяпмиз. Цехимизда 15 нафар киши бандлиги таъминланган бўлиб, чиқиндиларни етказиб бериш ва саралаш ишларига қўшимча мавсумий ишчиларни жалб қилганмиз.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, 2022 йил 2 февраль куни Президент Шавкат Мирзиёев раислигида ўтказилган йиғилишда республикада чиқиндиларни қайта ишлаш соҳасида жиддий ислоҳотлар бошланаётгани маълум қилинди. Хусусан, маиший чиқиндиларни йиғишни 95 фоизга, қайта ишлашни 40 фоизга етказиш бўйича 2022 — 2025 йилларга мўлжалланган “Санитар тозалаш ишларини ташкил этиш ва аҳоли ҳудудларида тозаликни таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарор лойиҳаси ишлаб чиқилди ва Вазирлар Маҳкамасига киритилди.

Мақсад битта — маҳалламиз, хонадонимиз ва атроф-муҳит мусаффо бўлсин, пировардида чиқиндиларнинг атроф-муҳит ва аҳоли соғлиғига салбий таъсири камайсин. Зотан, яшаш манзилимиз қанчалик озода ва ораста бўлса, жонажон юртимиз ҳам шунча кўркам бўлади. Бунинг учун масъуллик нафақат тегишли ташкилотларнинг, балки ҳар биримизнинг зиммамиздадир.

**Фахриддин БОЗОРОВ («Халқ сўзи»).**

# ЭЛЕКТРОМОБИЛЛАР – ГЛОБАЛ АВТОМОБИЛСОЗЛИК САНОАТИНИНГ КЕЛАЖАГИ



*Электр транспорт воситалари жаҳон автомобиль бозорида ўз ўрнини тез эгаллаб бормоқда ва кенг жамоатчилик уларни глобал автомобиль саноатининг келажаги деб атамоқда. Бинобарин, электромобиль саноатини изчил ривожлантириш мамлакатимиз учун нечоғли катта аҳамиятга эгалигини Президентимиз томонидан 2022 йил 19 декабрда қабул қилинган "Электромобиллар ишлаб чиқаришни ташкил этишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ва "Электромобиллар ишлаб чиқариш инфратузилмасини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлари мисолида ҳам яққол англаш мумкин.*

*Маълумотларга кўра, 2021 йилда бутун дунё бўйлаб электромобиллар сотуви 2020 йилдагига нисбатан икки баравар кўпайиб, 6,5 миллионтани ташкил этди. Бу умумий автомобиль савдосининг 9 фоизига тенг. Бугунги кунда дунё бўйлаб 20 миллионга яқин электромобиллар йўлларда ҳаракатланмоқда. Ва уларнинг сони муттасил ўсиб бормоқда.*

*Ўзбекистон ҳам бу жараёндан четда қолмаслиги аниқ. Президент Шавкат Мирзиёев ўтган йилнинг октябрь ойида электромобиллар саноатини ривожлантириш ва электромобиллар хизматини кенгайтириш лойиҳалари билан танишар экан, мазкур соҳани ривожлантириш учун бир йилни эмас, ўн йилликларни олдиндан кўра билишимиз кераклигини таъкидлади.*

*Шундай экан, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалаларини ҳисобга олган ҳолда ва келажак учун ушбу соҳани ривожлантириш ўта муҳим. Қолаверса, буни қанчалик тез амалга оширсак, автомобиль бозоридаги рақобатда қўлимиз шунча узун бўлиши, шубҳасиз.*

## Импорт тез суръатларда ўсмоқда

Ўзбекистонда электромобиллар мавзуси, асосан, уларнинг импорти билан боғлиқ ва бу йил сайин ортиб бормоқда.

Статистикага мурожаат этадиган бўлсак, 2018 йилда 13 та, 2019 йилда 39 та, 2020 йилда 131 та электромобиль импорт қилинган. Кейинчалик эса бу рақамлар тез суръатларда ўса бошлади.

2021 йилда мамлакатимизга аввалги йилдагига нисбатан олти баравар кўпроқ электромобиллар импорт орқали кириб келди. 2022 йилнинг январь — ноябрь ойларида бу кўрсаткич 1 912 та электромобилни ташкил этди, яъни "яшил автомобил"лар олдинги тўрт йилдагига нисбатан қарийб икки баравар кўпайди.

Бу, асосан, ҳукумат томонидан экологик тоза автомобилларга бўлган талабни рағбатлантириш учун имтиёзлар жорий этилгани билан боғлиқ. Электромобилларни харид қилиш ва вақтинча олиб киришда божхона тўловларининг ҳожати йўқ, акциз солиғи ҳамда автомобиль ва автотранспорт йиғимлари бекор қилинди. Ҳудуд коди кўрсатилган қисми яшил рангга бўялган ўзига хос автомобиль рақамлари пайдо бўлди.

Автомобилсозлик соҳасида маълум тажриба тўпланган ва бу борада тегишли база яратилган Ўзбекистон мисолида электромобиллар ишлаб чиқаришни ташкил этиш масаласи табиий равишда юзага келмоқда, десак, муболаға эмас. Чунки бир неча йил аввал мамлакатимизда хорижий ҳамкорлар иштирокида хусусий компаниялар даражасида "яшил автомобил"лар ишлаб чиқариш бўйича алоҳида лойиҳалар амалга оширилган эди. Улар бир қатор оммавий ахборот воситаларида эълон қилинди. Агар режалаштирилган лойиҳалар ижроси бажарилса, Фарғона, Қўқон, Бухоро, Андижон ва бошқа вилоятларда йилига минглаб, ҳатто ўн минглаб электромобиль ишлаб чиқарилар эди...

## Муаммолар тизимли ҳал этилса...

Сўнгги йилларда мамлакатимизда маҳаллий автомобилсозлик саноатининг ривожланишини ҳисобга олган ҳолда электромобиллар ишлаб чиқаришни ташкил этиш масаласи жиддий кўриб чиқилмоқда. Эришилган натижаларни ҳеч бўлмаганда ўтган йилнинг ноябрь ойи бошида "UzAuto Motors" компанияси заводи конвейеридан тўрт миллионинчи автомобиль чиқарилгани билан баҳолаш мумкин. Агар уч миллион автомобиль ишлаб чиқариш 22 йил давом этган бўлса, тўртинчи миллион учун атиги тўрт йил кифоя қилди.

Давлатимиз раҳбари 2022 йил 14 февраль куни машинасозликни ривожлантиришнинг устувор вазифаларига бағишланган йиғилишда жаҳонда электромобиллар ишлаб чиқариш ривожланаётганини таъкидлаб, бу соҳада ортда қолмаслик учун ҳозирдан ҳаракат қилиш кераклигини уқтирди. Президент 2022 йил 10 октябрь куни электромобиллар саноатини ривожлантириш ва электромобиллар хизматини кенгайтириш лойиҳаси тақдимоти билан танишди. Тадбир давомида нафақат ишлаб чиқаришни ташкил этиш, балки қувватлантириш станциялари тармоғини кенгайтириш, бутловчи қисмларни маҳаллийлаштириш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Албатта, аҳолини арзон, замонавий электромобиллар билан таъминлаш муҳимлигига эътибор қаратилар экан, бу, айниқса, бутловчи қисмларни маҳаллийлаштириш даражасига бориб тақалади. Яъни электромобиль нархининг тахминан 30 фоизини аккумуляторлар, яна 10 фоизини электр узаткичлар ташкил қилади. Шу боис мамлакатдаги литий, мис ва графит захираларидан фойдаланган ҳолда маҳаллийлаштириш ва импорт ўрнини босиш асосида муҳим бутловчи қисмлар ва умуман, электромобиль нархини пасайтириш мумкин.

Ўтган йилнинг 24 ноябрь куни Президентимиз раислигида бўлиб ўтган навбатдаги йиғилишда давлатимиз раҳбари томонидан аввалроқ берилган топшириқлар асосида мамлакатимизда электромобиллар ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва қувватлантириш станцияларини кўпайтириш бўйича таклифлар муҳокама қилинди. Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган электромобилларни утилизация йиғимидан, улар учун олиб кирилаётган асбоб-ускуналар, бутловчи ва эҳтиёт қисмлар, хомашёни эса божхона тўловларидан озод қилиш таклиф этилди. Шунингдек, зарур бўлган бутловчи қисмлардан бири мис эканлигини инобатга олиб, республикада ташкил этилаётган мис кластерларида электромобиллар учун алоҳида бутловчи қисмлар ва қувватлантириш станцияларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мумкин. Йиғилишда таклиф этилаётган ва бошқа чора-тадбирлар ҳаётга татбиқ этилиши билан йилига 15 — 25 минг дона электромобиль ишлаб чиқаришни босқичма-босқич йўлга қўйиш мумкинлиги таъкидланди.

Учрашувларда муҳокама қилинган масалаларнинг аксарияти Президентимиз томонидан имзоланган ҳужжатларда ўзининг аниқ ечимини топди. "Электромобиллар ишлаб чиқаришни ташкил этишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорга мувофиқ 2030 йил 1 январгача республикада ишлаб чиқарилган электромобиллар ва гибрид автомобиллар учун утилизация йиғими ундирилмайди. Хориждан олиб келинадиган электромобилларнинг ва гибрид автомобилларнинг бутловчи қисмлари, хомашё ҳамда материаллар, ускуналар ва технологик жиҳозларни, шу жумладан, сервис хизмати кўрсатиш учун эҳтиёт қисмлари божхона божидан озод этилади.



Республикада ишлаб чиқарилган ва ички бозорда сотилган, электромобиль ва гибрид автомобилларни сотиб олиш учун жисмоний шахсларга миллий валютада ажратиладиган БҲМнинг 1200 бараваридан ошмайдиган кредитлар бўйича фоиз ставкасининг Марказий банк асосий ставкасидан ошадиган, лекин 10 фоиз пунктидан кўп бўлмаган қисмини қоплаш учун кредит муддатининг дастлабки 36 ойи давомида компенсация тўланади.

Электромобиллар ва гибрид автомобилларда йўловчиларни ташиш хизматини кўрсатувчилар 2030 йил 1 январгача лицензия варақалари берилгани учун давлат божини тўламайди. 2023 йил 31 январгача Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети қошида Электромобиллар ва уларнинг инфратузилмаси бўйича илмий-тадқиқот лабораторияси ташкил этилади.



Президентнинг "Электромобиллардан фойдаланиш инфратузилмасини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан "яшил автомобил"лар учун зарядлаш станциялари тармоғини яратиш белгиланган бўлиб, тадбиркорлик субъектларига электр транспорт воситаларини қувватлантириш станцияларида электр энергиясини сотиш ҳуқуқи берилади. Бундан ташқари, хизматлар тарифлари электр энергияси учун тасдиқланган тарифлардан қатъи назар, тадбиркорлик субъектларининг ўзлари томонидан мустақил равишда белгиланади. 2023 йил охиригача мавжуд бензин, дизель ва табиий газ қуйиш шохобчаларида камида 60 кВт ва ундан ортиқ қувватга эга тўрт каналли электр транспорт воситаларини қувватлантириш станциясини ўрнатиш чоралари кўрилади.

Қарорда тадбиркорларни электр транспорт воситаларини қувватлантириш хизматларини қуриш ва улар билан шуғулланишга рағбатлантириш мақсадида 2023 йил 1 январдан 2026 йил 1 январгача қатор солиқ имтиёзлари берилди. Масалан, хориждан олиб келинган электромобилларни қувватлантириш станциялари учун бутловчи қисмлар ва технологик жиҳозлар божхона тўловларидан озод этилди. Бундай станцияларга эга бўлган юридик шахслар белгиланган муддатгача мол-мулк солиғини тўламайди. Асосий фаолияти автотранспорт воситаларини зарядлаш хизматларини кўрсатишдан иборат бўлган тадбиркорлик субъектлари мазкур хизматларни кўрсатишдан олинган даромадлардан даромад солиғи ва қўшилган қиймат солиғи ундирилмайди. Ҳужжатда қайд этилишича, 2024 йил охиригача республикада электр транспорт воситаларини қувватлантириш станциялари сонини камида 2500 донага етказиш бўйича чора-тадбирлар дастури тасдиқланади.

> МУТАХАССИСЛАРНИНГ ФИКРИЧА, ЭҲТИЁТКОР ВА ТЕЖАМКОР ҲАЙДАШ БИЛАН ЭЛЕКТРОМОБИЛЬ ҲАР ЮЗ КИЛОМЕТРГА 15 КВТ/СОАТГАЧА, НУФУЗЛИ МОДЕЛЛАРИ ЭСА 25 КВТ/СОАТГАЧА ҚУВВАТ САРФЛАШИ МУМКИН. ОДДИЙ АРИФМЕТИК ҲИСОБ-КИТОБЛАР ШУНИ КЎРСАТАДИКИ, САЛҚИНГИНА ЭЛЕКТР ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИДА ЮЗ КИЛОМЕТР МАСОФАНИ БОСИБ ЎТИШ УЧУН "АИ-80" БЕНЗИННИНГ БИР ЛИТРИ НАРХИДАН КАМРОҚ МАБЛАҒ ХАРЖЛАНАДИ.

## Хитойнинг «BYD» автоконцерни ҳамкорликка тайёр

Ўзбекистонда замонавий ва оммабоп электромобилларни саноат усулида ишлаб чиқаришнинг ҳозирча имкони йўқ. Бу ерда нафақат мустаҳкам сармояларни, балки хорижий ҳамкорларни ҳам жалб этиш муҳим. Президентимиз электромобиллар ишлаб чиқаришни ташкил этишда тажрибага эга компанияни жалб қилиш зарурлигини таъкидлади.

Тўғри, компаниялар жуда кўп. Аммо бизнес қоидаларига асосланиб, шерик танлашда адашмаслик муҳим. Хитой бу борада энг диққатга сазовор мамлакат. 2022 йилнинг 11 ойида Ўзбекистонга деярли барча электромобиллар, яъни уларнинг 1 675 таси Хитойдан келтирилган.

Хитой автомобиль ишлаб чиқарувчилар ассоциацияси маълумотларига кўра, бу мамлакатда 11 ой ичида 6 миллиондан зиёд йўловчи ташувчи электромобиллар сотилган. 30 дан ортиқ автомобиль ва бутловчи қисмлар ишлаб чиқарадиган заводга эга Хитойнинг "BYD" автоконцерни дунёга машҳур "Tesla" компаниясини сиқиб чиқарган ҳолда маҳаллий электромобиллар бозорида етакчига айланди. Бир қатор манбалар 2022 йилда "BYD" автоконцернида электромобиль савдоси 165 фоизга ошгани, компания "яшил автомобил"лар ишлаб чиқариш бўйича дунёда етакчи бўлгани ҳақида маълумот эълон қилган. Бугунги кунда ушбу компаниянинг электромобиллари 400 дан ортиқ шаҳарлар йўлларида юради.

Ўзбекистонда "BYD" автоконцерни билан электромобиллар ишлаб чиқаришни ташкил этиш тўғрисида шартнома имзолангани ҳақидаги хабар мамлакатда зўр қувонч билан қабул қилинди. "Ўзавтосаноат" АК вакиллари таъкидлаганидек, маҳаллий ишлаб чиқарувчи "UzAuto" нафақат илғор ишланмаларга, балки юқори технологияли саноат ишлаб чиқаришини бошқаришнинг замонавий тамойилларига ҳам қўшила олади. "UzAuto" ва "BYD" ўртасидаги ҳамкорлик нафақат саноат, балки бутун Ўзбекистон иқтисодиёти ривожланишидаги янги босқичдир.

Хитой компанияси учун эса бу амалда хорижда электромобиллар ишлаб чиқаришни ташкил қилишда илк тажриба. Шунинг учун "BYD" шерик танлашда жуда эҳтиёткорлик билан ёндашди. Бунда бир неча йиллардан бери давом этаётган жаҳон автомобиль бозорида "UzAuto" рекорд даражадаги ўсиш суръатларига эришаётгани муҳим роль ўйнади. Маҳаллий автосаноат учун бундай улкан лойиҳани амалга ошириш натижасида мамлакатимизда "BYD" русумидаги электромобилларни штамплаш, пайвандлаш, бўяш ва йиғишни ўз ичига олган СКД (автомобиллар, тракторлар ва бошқа асбоб-ускуналарни йиғиш технологияси)нинг тўлиқ циклини йўлга қўйиш талаб этилади. Шартнома шартлари ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни маҳаллийлаштириш дастурини ўз ичига олади. Хусусан, кейинги босқичларда электр двигателлари, шунингдек, аккумулятор батареялари ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Мазкур лойиҳаларни босқичма-босқич амалга ошириш доирасида яқин келажакда бозорни синовдан ўтказиш йўли билан ўрганиш режалаштирилган.

Ўзбекистонда "BYD" автоконцернининг қайси русумдаги электромобилларини ишлаб чиқариш режалаштирилгани ҳали аниқ эмас. Масалан, "ATTO 3" модели ўтган йилнинг октябрь ойида Европанинг етакчи мустақил хавфсизликни баҳолаш дастури "Euro NCAP" томонидан беш юлдузли хавфсизлик рейтингини олди. Ноябрь ойида "BYD "ATTO 3" Исроилда энг кўп сотилган автомобиль бўлди. Ноябр ойида "BYD ATTO 3" "Volkswagen", "Renault", "Citroen", "Nissan", "SsangYong" ва бошқа машҳур компанияларнинг рақобатчиларини ортда қолдириб, идеал оилавий электромобиль сифатида "Фламанд" автомобиль клубининг нуфузли совринини қўлга киритди. 15 нафар профессионал авторепортёр ва 74 оила вакилларидан иборат ҳакамлар ҳайъати аъзолари таъкидлаганидек, бу автомобиль Европадаги барча рақобатчилардан устун туради. Ҳакамлар ҳайъати "BYD ATTO 3"ни нафақат дизайни, қулайлиги, сифати учун танлади, балки у юқори даражадаги кафолати, кам харажати, стандарт хусусиятлари ва энг замонавийлиги учун ҳам юқори балл йиғди. Табиийки, бундай машина ўзбекистонликларга ҳам маъқул келади.

## Ижобий жиҳатларини билган ҳолда...

Электр транспорт воситаларининг ички ёнув двигателига эга анъанавий автомобилларга нисбатан афзалликлари маълум. Уларнинг қулайлиги атмосферага зарарли моддаларни чиқармаслиги ва шовқинсизлигидир. Агар мамлакатимиздаги барча юк машиналари ва автобусларнинг электрда ҳаракатланиши йўлга қўйилса, ҳаво ифлосланиши кескин камайиши, шубҳасиз.

Электр транспорт воситаларининг машҳурлиги нафақат уларнинг экологик тозалигига, балки тежамкорлигига ҳам боғлиқ. Электр транспорт воситаларининг нархи бензинда ҳаракатланувчилардан анча қимматроқ бўлса-да, барибир тежамкорлик жиҳатидан улардан устун. Қолаверса, бугунги кунда барча ишлаб чиқарувчилар, асосан, батареялар ва электр узаткичлар нархини пасайтириш орқали ўз маҳсулотларининг нархини тушириш борасида изланаётган бир пайтда бунинг аҳамияти янада яққолроқ намоён бўлади.

Электр узаткич ва батареялар улуши электр транспорт воситасининг нархида 40 фоизгача бўлиши мумкин. Масалан, бир киловатт/соат электр энергияси бизда қанча туради? Айни пайтда 295 сўм. Бир литр бензин қанча туради? Агар биз энг машҳур "АИ-80" бензинни олсак ҳам, унинг нархи тахминан 5700 сўм.

Мутахассисларнинг фикрича, эҳтиёткор ва тежамкор ҳайдаш билан электромобиль ҳар юз километрга 15 кВт/соатгача, нуфузли моделлари эса 25 кВт/соатгача қувват сарфлаши мумкин. Оддий арифметик ҳисоб-китоблар шуни кўрсатадики, салқингина электр транспорт воситаларида юз километр масофани босиб ўтиш учун "АИ-80" бензиннинг бир литри нархидан камроқ маблағ харжланади. Электромобилнинг афзаллигини энди англагандирсиз?

Яна бир жиҳат, "яшил автомобил"нинг дизайни анча содда бўлгани туфайли унга техник хизмат кўрсатиш, шунингдек, таъмирлаш арзонроқ туради. Совуқ об-ҳавода электромобиль двигателини иситишга ҳожат йўқ, чунки у дарҳол ёқилади ва ҳар қандай тезликка тайёр бўлади. Батарея тўпламлари пастки қисмида жойлашганлиги сабабли, бурилиш чоғида янада барқарор ва хавфсиз бошқарилади. Қолаверса, унда бензин оқиши ёки газ баллони портлаши каби хавф йўқ. Батареяда ёнгин содир бўлган ҳолатлар учраган, аммо улар оддий автомобиллар билан солиштирганда анча кам.

## Камчиликларни ҳам эсдан чиқарманг!

Хуллас, Ўзбекистонда "яшил автомобил"лар ишлаб чиқариш тўғрисида қарор қабул қилинди. Бу улар юртимиз йўлларида кўплаб пайдо бўлади, дегани. Лекин айни чоғда электр транспорт воситалари камчиликлардан холи эмаслигини ҳам унутмаслик керак. Кўпчилик электр транспорт воситаларининг экологик тозалиги ҳақида гапирса, бошқалар бу янги транспорт тури, айниқса, ишлаб чиқарилганда оддий автомобилларга қараганда кўпроқ атроф-муҳитга зарар етказишини таъкидлайди.

Асосий камчиликлардан бири шундаки, бир зарядда 500, ҳатто 600 километр йўл боса оладиган электромобиллар мавжуд бўлса-да, бундай машиналарнинг нархи жуда қиммат. Ўртача нархдаги электр транспорт воситалари эса бир зарядда бор-йўғи 150 — 200 километр йўл босади, холос. Бундай пайтда сиз оддий автомашинанинг тажрибали ҳайдовчисида топиладиган захира бензиндан фойдалана олмайсиз. Дейлик, асосан, шаҳарда ишлаш учун битта тўлов етарли бўлиши мумкин. Аммо агар электр автомобиль билан узоқроқ масофага борилса, унда кўп нарса тегишли миқдордаги ихтисослаштирилган зарядлаш станцияларининг мавжудлигига боғлиқ. Тўғри, юртимизда бундай зарядлаш станциялари тармоғини кўпайтириш бўйича тегишли чоралар кўрилади. Аммо халқимиз электр транспорт воситалари оммалашганда у билан боғлиқ муаммоларни олдиндан билгани муҳим.

Масалан, электр таъминотидаги узилишларнинг ҳозирги тажрибасидан келиб чиқиб, зарядлаш станцияларини электр энергиясининг етарли захиралари мавжуд бўлган ва электр транспорт воситаларини зарядлаш унинг танқислигига олиб келмайдиган жойларга жойлаштириш керак. Шунингдек, электр транспорт воситаларини маиший тармоқдан зарядлашни бошлайдиган вазиятларни олдиндан билиш муҳим. Бу ерда экспертлар ва мутахассисларнинг фикрларига эътибор қаратиш лозим. Ҳа, сиз электр транспорт воситаларини том маънода электр розеткасига улаб зарядлашингиз мумкин. Аммо батарея қувватига қараб, бу узоқ вақт талаб этади ва кўплаб уйларда, айниқса, эски кўп қаватли биноларда эскирган симларни ҳисобга олсак, ҳатто махсус мослама ёрдамида электр автомобилни зарядлашда олдиндан айтиб бўлмайдиган оқибатларга олиб келадиган қисқа туташувлар юзага келишини эсда тутган маъқул. Яъни махсус ЭЗС (электр зарядлаш станцияси)да батареяларни зарядлаш хавфсизроқ. Мутахассислар аллақачон гапираётган яна бир катта муаммо, гарчи унинг кўлами электр транспорт воситалари парки кўпайиши билан ортиб борса ҳам батареяларни утилизация қилишдир.

Мутахассисларнинг фикрига кўра, аккумуляторнинг ишлаш муддати электромобилнинг қанчалик фаол ишлатилишига қараб, бирдан-бир ярим минг заряд ва зарядсизланишгача ўзгаради. Масофага келсак, у — 200 мингдан 500 минг километргача. Ўртача, идеал иш шароитида батарея 10 — 15 йил, замонавий моделларда эса 20 йилгача хизмат қилиши мумкин. Аммо атроф-муҳит фаоллари аллақачон огоҳлантирмоқда. Кўпгина замонавий электр транспорт воситалари билан жиҳозланган литий-ион батареяларни қайта ишлаш технологиялари, аслида, энди ишлаб чиқилмоқда. Шунинг учун улар сақлаб қўйилади ва бу атроф-муҳит учун маълум таҳдидларни келтириб чиқариши мумкин.

Европа Иттифоқи, АҚШ ва бошқа баъзи давлатлар аллақачон электр транспорт воситаларини ишлаб чиқарувчилар ва етказиб берувчиларнинг "яшил автомобил"ларнинг аккумуляторларини утилизациялаш жавобгарлигини назарда тутувчи қонун ҳужжатларини қабул қилишган. Демак, Ўзбекистонда ҳам аккумуляторларни қабул қилиш пунктлари ва уларни қайта ишлаш корхоналарини яратиш ҳақида қайғуриш керак бўлади.

Давлатимиз раҳбари томонидан маҳаллий автомобиль саноатида янги йўналиш — электромобиллар ишлаб чиқаришни яратиш ва ривожлантириш бўйича қабул қилинган қарор ва "BYD" компаниясининг хитойлик ҳамкорлари билан имзоланган келишув муҳимлигини қайд этган ҳолда юқорида келтирилган бир қатор саволларга жавоб топмоғимиз жоиздир. Демокчи бўлганимиз, электромобиллар ишлаб чиқарилганидан кейин эмас, балки бугунги кунда бу масалага ойдинлик киритсак, нур устига нур бўлади.

**Собир АЛИЕВ**
**(«Халқ сўзи»).**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 141. 20 214 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — А. Сойибназаров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машрабоев.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.40 Топширилди — 23.35 1 2 3 4 5 6